
Фарғонанинг айрим туман ва шаҳарлари чегараси ўзгартирилади
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Фарғона вилоятининг Учқўприк,
Ўзбекистон, Бешариқ, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон,
Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги [карори лойихаси](#)
эълон қилинди.

Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул қилиниб, Фарғона
вилоятининг Учқўприк, Ўзбекистон, Бешариқ, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона
туманлари ва Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари ҳудуди чегаралари
ўзгартирилади.

Бунда:

Фарғона туманидан 951,5 гектар (шундан 542,71 гектар қишлоқ хўжалиги) ер
майдони Марғилон шаҳри таркибига;

Қўштепа туманидан 133,59 гектар (шундан 17,07 гектар қишлоқ хўжалиги) ер
майдони Марғилон шаҳри таркибига;

Тошлоқ туманидан 34,4 гектар ер майдони Марғилон шаҳри таркибига;

Данғара туманидан 814,9 гектар (шундан 327,5 гектар қишлоқ хўжалиги) ер
майдони Қўқон шаҳри таркибига;

Ўзбекистон туманидан 1456 гектар (шундан 532,9 гектар қишлоқ хўжалиги
ерлари) ер майдони Қўқон шаҳри таркибига;

Учқўприк туманидан 424,66 гектар (шундан 179,06 гектар қишлоқ хўжалиги
ерлари) ер майдони Қўқон шаҳри таркибига;

Фарғона туманидан 811,66 гектар (шундан 73,91 гектар қишлоқ хўжалиги) ер
майдони Фарғона шаҳри таркибига ўтказилади.

2022-03-26 23:33:34